


«INFINITY INSURANCE» АЖ  
Кузатув кенгаши раиси  
З. Усмаилов



«ТАСДИҚЛАНГАН»

«INFINITY INSURANCE» АЖ  
Кузатув кенгашининг 2024 йил “29” ноябрдаги  
06/2024- сонли мажлис баёнига  
5 -илова.

**«INFINITY INSURANCE»**  
**акциядорлик жамиятининг**  
**2025 йил учун мўлжалланган**  
**БИЗНЕС - РЕЖА**  
(янги тахрирда)

Тошкент - 2024 йил

## М У Н Д А Р И Ж А

|                                                                             |           |
|-----------------------------------------------------------------------------|-----------|
| <b>I. КИРИШ.....</b>                                                        | <b>3</b>  |
| 1.1. «INFINITY INSURANCE» АЖ суғурта ташкилотининг умумий тавсифи .....     | 3         |
| 1.2. 2024 йил 9 ойлик фаолияти якунлари бўйича Жамият кўрсаткичлари .....   | 4         |
| 1.3. Ўзбекистон суғурта бозорининг ҳозирги ҳолати.....                      | 5         |
| <b>II. ЖАМИЯТНИНГ 2025 ЙИЛ УЧУН МАҚСАДИ ВА ВАЗИФАЛАРИ. ....</b>             | <b>5</b>  |
| 2.1. Мақсадлар ва устувор вазифалар.....                                    | 5         |
| 2.2. Суғурта фаолияти .....                                                 | 8         |
| 2.3. Молиявий ва инвестицион фаолият.....                                   | 10        |
| 2.4. Тариф сиёсати ва хавфларни тақсимлаш стратегияси.....                  | 11        |
| 2.5. Маркетинг сиёсати ва бизнесни ривожлантириш стратегияси.....           | 12        |
| 2.6. Минтақавий суғурта марказлари ва агентлик тармоғини ривожлантириш..... | 14        |
| 2.7. Ахборот - коммуникация технологияларини ривожлантириш.....             | 16        |
| 2.8. Жамият моддий-техник базасини янада такомиллаштириш.....               | 15        |
| 2.6. Кадрлар сиёсати, кадрларни тайёрлаш ва қайта тайёрлаш.....             | 15        |
| 2.6. Ходимларни ижтимоий ҳимоялаш.....                                      | 15        |
| <b>III. ЯКУНИЙ ҚОИДАЛАР.....</b>                                            | <b>17</b> |

## **I. КИРИШ**

### **1.1. «INFINITY INSURANCE» АЖнинг умумий тавсифи**

1.1.1. **Тўлиқ ва қисқартирилган номи:** «INFINITY INSURANCE» акциядорлик жамияти, «INFINITY INSURANCE» АЖ (кейинги ўринларда – Жамият).

1.1.2. **Ягона акциядор:** «INSURANCE 8888» МЧЖ.

1.1.3. **Давлат рўйхатидан ўтказиш санаси ва рақами, Жамиятнинг юридик шахс сифатида рўйхатдан ўтказган орган:** 2019 йил 29 майда Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 1995881-сон билан рўйхатга олинган.

1.1.4. **Суғурта фаолиятини амалга ошириш ҳуқуқини берувчи лицензия:** Ўзбекистон Республикаси Иқтисодиёт ва молия вазирлигининг 2022 йил 25 февралдаги SF №00051 – рақамли лицензияси.

1.1.5. **Молиявий ишонччилик рейтинги:** “Ахбор Рейтинг” томонидан берилган «uzA++», “жуда юқори молиявий ишонччилик” рейтинг кўрсаткичи.

1.1.6. **Юридик ва почта манзили:** Ўзбекистон Республикаси, Тошкент шаҳар, Юнусобод тумани, Шахрисабз кўчаси 2-уй.

1.1.7. **Банк реквизитлари:** АТБ «Ўзсаноатқурилишбанк» Корпоратив банк хизматлари офиси, МФО: 00440, СТИР: 306 464 351, ҳисоб рақами 20208 000 0 05089150 001.

1.1.8. **Юридик шакли:** Акциядорлик жамият.

1.1.9. **Жамиятнинг бошқариш:** Ягона акциядор Умумий йиғилиши олий бошқарув органи ҳисобланади. Умумий бошқарув – Кузатув кенгаши. Ижрочи орган – Бош директор. Назорат қилувчи орган – Ички аудит хизмати.

1.1.10. **2024 йил 30 ноябр ҳолатига устав капиталининг ҳажми:** 57 811 750 000,0 (эллик етти миллиард саккиз юз ўн бир миллион етти юз эллик минг) сўм;

1.1.11. **Филиаллар сони:** жами 14 та, шу жумладан Тошкент шаҳрида, Қорақалпоғистон Республикасида ва Ўзбекистон Республикасининг барча вилоятларида.

1.1.12. **Суғурта марказлари сони:** жами 15 та, Қорақалпоғистон Республикаси, Андижон, Бухоро, Жиззах, Наманган, Навоий, Хоразм, Фарғона, Қашқадарё, Самарқанд, Сурхондарё ҳамда Тошкент вилоятларида ва шунингдек Тошкент шаҳрида.

### **1.2. «INFINITY INSURANCE» АЖнинг 2024 йил 9 ойлик фаолияти яқунлари бўйича натижалари.**

«INFINITY INSURANCE» АЖ ўз фаолиятини 2019 йил май ойидан бошлаб амалга ошириб келмоқда. Шу давр мобайнида Жамият республика суғурта бозорида рақобатбардошлигини исботлаб келди ҳамда бу натижаларни янада юксалтириш учун етарли салоҳиятга эга. Ўз фаолиятининг бошиданок Жамият мижозлар ва бизнес шериклар билан ишлашда замонавий ёндашувларни жорий этиш ва малакали мутахассислар гуруҳини шакллантириш мақсадида суғурта бозорига кириб келган. Ушбу йўналишдаги комплекс чора-тадбирларнинг самарали амалга оширилиши натижаси ўларок 2024 йил 9 ойлик фаолияти давомида қуйидаги молиявий кўрсаткичларга эришилди:

▪ Суғурта мукофотларининг ялпи йиғими **67,5 млрд. сўм**ни ташкил этди ва ўтган йилнинг мос даврига нисбатан **49,2 млрд. сўмга** яъни **269 %га** ўсган;

▪ Жамият активлари **125,2 млрд. сўм**ни ташкил этди ва ўтган йилнинг мос даврига нисбатан **40,7 млрд. сўмга** яъни **48 %га** ўсган;

▪ Суғурта захиралари **72,1 млрд. сўм**ни ташкил этди ва ўтган йилнинг мос даврига нисбатан **37,3 млрд. сўмга** яъни **108 %га** ўсган;

▪ Жамиятда жами **108 нафар**, шу жумладан марказий офисда 38 нафар ва ҳудудий бўлинмаларда 70 нафар ходим ишлаб келмоқда.

### 1.3. Ўзбекистон суғурта бозорининг бугунги ҳолати.

Айни пайтда миллий суғурта бозорида 35 та суғурта ташкилоти суғурта хизматларини кўрсатиб келмоқда. Улардан 5 таси ҳаётни суғурталаш соҳасига ихтисослашган.

Суғурта бозорида суғурталовчилар ўртасидаги рақобат асосан бозорнинг мулкӣ сегментида (*яъни умумий суғурта тармогининг 7,8,9 ва 10-класслари*), шунингдек, шахсий суғурта ва жавобгарлик суғуртаси сегментларида (*1,2 ва 3 класслар*) ривожланмоқда.

Ўзбекистонда амалга оширилаётган иктисодий ислохотлар шароитида суғурта соҳаси ишбилармонлик фаоллигини ривожлантиришни рағбатлантиришда, инвестиция муҳитини яхшиланиши ва аҳолининг ижтимоий ҳимоясини таъминлашда муҳим роль ўйнайди. Суғурта соҳасида олиб борилаётган ислохотлар туфайли бугунги кунда Республикада ушбу соҳа тез суръатлар билан ривожланмоқда.

Шу боис ислохотларнинг ҳозирги босқичида иктисодиётнинг барқарор ўсишини таъминлашга, аҳоли ҳаётининг сифати ва даражасини оширишга йўналтирилган молиявий хизматларни фаол ривожлантириш республикада суғурта бозорининг ролини кучайтиришни ва суғурта воситаларини кенг қўллашни тақозо этмоқда. Асосий эътибор ички суғурта бозорини ислоҳ қилишга, суғурта қонунчилигини такомиллаштиришга, ушбу соҳани ривожлантириш учун қулай шарт-шароитларни яратишга тизимли ёндошишга қаратилмоқда.

Суғурта бозорини янада ривожлантириш, соғлом рақобат муҳитини яратиш, аҳоли ва юридик шахсларни суғурта хизматларига бўлган талабини қондириш йўналишида амалга оширилаётган ишларга қуйидагиларни мисол келтириш мумкин:

- Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Суғурта хизматлари бозорини янада ривожлантиришнинг комплекс чора-тадбирлари тўғрисида”ги 2024 йил 1 мартдаги 108-сонли Қарори билан суғурта соҳасини ўрта ва узок муддатли ривожлантириш бўйича бир қатор вазифалар белгилаб берилди, жумладан:

- 2024 йил 1 сентябрдан бошлаб, суғуртанинг барча турлари бўйича суғурта (қайта суғурта) шартномаларини ягона автоматлаштирилган ахборот тизими орқали рўйхатдан ўтказиш ва суғурта полисларини ушбу тизим орқали расмийлаштириш мажбурий ҳисобланади;

- барча суғурта турлари бўйича суғурта полисларини фақат қоғоз шаклда расмийлаштириш амалиёти бекор қилинади;

- Суғурталовчиларнинг табақалаштирилган устав капиталининг энг кам миқдорларини босқичма-босқич ошириб бориш яъни,

| р  | Суғурта фаолияти турлари                       | 1 октябрдан |          |          |
|----|------------------------------------------------|-------------|----------|----------|
|    |                                                | 2025 йил    | 2027 йил | 2029 йил |
| 1. | Умумий суғурта соҳасида ихтиёрий суғурта       | 35 000      | 45 000   | 60 000   |
| 2. | Умумий суғурта соҳасида мажбурий суғурта       | 50 000      | 75 000   | 100 000  |
| 3. | Ҳаётни суғурта қилиш соҳасида ихтиёрий суғурта | 25 000      | 30 000   | 35 000   |
| 4. | Ҳаётни суғурта қилиш соҳасида мажбурий суғурта | 40 000      | 45 000   | 50 000   |
| 5. | Фақат қайта суғурта                            | 80 000      | 100 000  | 120 000  |

- тақафул тамойилларини ва маҳсулотларини босқичма-босқич жорий этиш;

- суғурта хизматлари кўрсатилиши сифати бўйича суғурталовчилар рейтингини аниқлаш ва юритиш тартибини жорий этиш;

- хорижий давлатларнинг илғор суғурта тажрибасини жорий этиш орқали миллий суғурта бозори инфратузилмасини кенгайтириш;

- суғурта бозорини жадал рақамлаштириш ва суғурта бозори профессионал иштирокчилари фаолиятини тартибга солишнинг замонавий усуллари жорий этиш орқали суғурта хизматларини кўрсатиш жараёнларини такомиллаштириш, суғурта хизматлари сифатини ва оммабоплигини ошириш;

- суғурта бозорида мутахассислар тайёрлаш тизимини такомиллаштириш, халқаро ҳамкорликни ривожлантириш, аҳоли ва тадбиркорларнинг суғурта маданиятини ошириш;

- суғурта соҳасида замонавий кадрлар тайёрлаш, мутахассисларни нуфузли хорижий билим юртларида ўқитиш ва етакчи Жамиятларда малакасини ошириш масалаларига ҳам эътибор қаратиш.

Миллий суғурта бозорида 2023 йилда жами 42 та суғурта ташкилотлари фаолият юритган бўлса, 2024 йилга келиб суғурта ташкилотларининг сони 35 тани ташкил этди. Бунга сабаб, бугунги кун суғурта бозоридаги рақобат асосан нархлар рақобати бўлиб, тариф ставкасини пасайтириш ҳар доим суғурталовчининг умумий рўйхатдан ўзининг суғурта хизматларини ажратиб кўрсатиб туришига ҳамда суғурталанувчининг эътиборини жалб қилишига асос бўлиб келмоқда ва оқибатда ушбу қўштирноқ ичидаги суғурта компаниялари ўз тўлов қобилиятини йўқотмоқдалар.

Бугунги кун миллий суғурта бозорида суғурта ташкилотларининг жами устав капитали ҳажми 2023 йилга нисбатан **248,0 млрд сўмга** ёки 10,7 фоизга ўсиб **2 560,0 млрд. сўмни**, суғурта ташкилотларининг умумий суғурта тармоғидаги жами суғурта мукофоти 01.09.2023 йил ҳолатига **5,9 трлн. сўмни** ташкил этган бўлса, 2024 йилнинг мос даври бўйича **7,0 трлн. сўмни** ташкил этди. Суғурта ташкилотларининг жами инвестициялари эса 01.09.2023 йил ҳолатига **5,8 трлн. сўмни** ташкил этган бўлса, 2024 йилнинг мос даври бўйича **6,3 трлн. сўмни** ташкил этди (манба – <https://napp.uz/> сайтидан келтирилди).

## II. ЖАМИЯТНИНГ 2024 ЙИЛ УЧУН МАҚСАД ВА ВАЗИФАЛАРИ

### 2.1. Мақсадлар ва устувор йўналишлар.

Жамиятнинг 2024 йилдаги фаолиятининг асосий устувор йўналишлари қуйидагилардан иборат:

- суғурта мукофотлари ҳажмини 2024 йил прогнозга нисбатан (*86,5 млрд. сўм*) **135 фоизгача** ўсишини таъминлаш орқали суғурта мукофотлари йиғимини **115,0 млрд. сўмга** етказиш;
- устав капитали миқдорини босқичма-босқич **80,0 млрд. сўмга** етказиш;
- жамият фаолияти, молиявий ва бошқа ҳисоботларини юритишнинг электрон шакллари жорий қилиш (*жорий IC ва online baza дастурини такомиллаштириш*), шунингдек моддий техник базани модернизация қилиш;
- миқозларнинг жамиятга бўлган ишончини ошириш ҳамда шаффофликни таъминлаш мақсадида фаолиятга боғлиқ маълумотларни жамият веб сайтида ва турли ижтимоий тармоқларда, ОАВда эълон қилиш;
- республиканинг йирик шаҳарлари ва вилоятларида қўшимча филиал ёки суғурта марказларини ташкил этиш (*заруратга қараб*);
- янги инновацион суғурта маҳсулотларини жорий этиш ва талаб юқори бўлган анъанавий маҳсулотларни ривожлантириш орқали кўрсатилаётган суғурта хизматлари ҳажмларини, турларини кенгайтириш ва сифатини ошириш;
- on line суғурта хизматларини кўрсатишда замонавий ахборот технологияларидан кенг фойдаланиш, жумладан интернет, мобил иловалар орқали расмийлаштириш механизмининг жорий этиш;
- суғурта бозори мутахассисларини жалб этиш орқали ходимларни тайёрлаш, қайта тайёрлаш ва уларнинг малакасини ошириш тизимини такомиллаштириш;
- жамиятнинг суғурта бозоридаги ижобий имижини шакллантириш, миллий рейтингини юқори даражада ушлаб туриш ҳамда халқаро рейтинг даражаларига эришиш.

Жамият ўзининг стратегик ривожланиш режасига мувофиқ асосий мақсади – ўз фаолиятини барқарорлигини таъминлаш, ўз ресурсларини истиқболли инвестицияларга йўналтириш, ўрта ва кичик бизнес ҳамда хусусий тадбиркорликнинг мулкӣ ва шахсий манфаатларини ҳар томонлама суғуртавий ҳимоялаш, аҳолига суғурта маҳсулотларини кенг оммалаштириш, шунингдек қайта суғурталаш соҳасида хорижий қайта суғурталаш

бозорларига чиқишни стратегик мақсад сифатида белгилаган ва пировардида суғурта тушумлари салмоғини оширишдир.

Фаолиятнинг асосий принциплари мижозлар билан тезкор ва индивидуал ишлаш, мослашувчан тариф сиёсати, барқарор молиявий база ва мижозлар талабларига жавоб берадиган замонавий суғурта ҳимоясини тақдим этиш бўлиб, фаолиятининг пировард натижаси капиталлашувни ва соф фойдани кўпайтиришдир.

Шу мақсадда Жамият иш самарадорлигини оширишни инobatга олиб, таркибий бўлимлар функционал вазифалари бўйича ишни тўғри тақсимлашни, Жамият ташкилий тузилмасини (*структураси*) ва штатлар жадвалини ислох қилишни ҳамда суғурта соҳасида етарли тажрибага эга бўлган малакали ходимларни жалб қилишни вазифа қилиб белгилаб олган. Албатта бунда, Жамият ўз мижозлари, ҳамкорлари, таъсисчиси ва албатта ходимлари манфаатларини ҳам юқори тутди. Ушбу мақсадларга эришиш учун ходимларнинг шахсий ва касбий мақсадларини амалга оширмасдан туриб Жамият мақсадларига эришиш имконсиздир.

Жамиятнинг умумий мақсадига эришиш учун ушбу бизнес-режа қуйидаги йўналишларда асосий вазифаларни белгилаб беради:

- a) суғурта фаолияти;
- b) молиявий ва инвестицион фаолият;
- c) тариф сиёсати ва хавфларни тақсимлаш стратегияси;
- d) маркетинг сиёсати ва бизнесни ривожлантириш стратегияси;
- e) минтақавий суғурта марказлари ва агентлик тармоғини ривожлантириш;
- f) ахборот-коммуникация технологиялари (IT)ни ривожлантириш;
- g) жамиятнинг моддий-техник базасини янада такомиллаштириш;
- h) кадрлар сиёсати, кадрларни тайёрлаш ва қайта тайёрлаш (*вакант жойларни профессионал кадрлар билан бутлаш, ходимлар малакасини ошириш, ўқитиш ҳамда бўлимларaro ходимлар ротациясини ташкил этиш*);
- i) ходимларни ижтимоий ҳимоялаш.

## 2.2. Суғурта фаолияти.

Устувор вазифалардан келиб чиққан ҳолда, 2025 йилда Жамият қуйидаги суғурта фаолиятини ривожлантиришни режалаштирмоқда:

a) тадбиркорлик субъектлари ва мамлакат аҳолисига тақдим қилинаётган суғурта хизматларини янада ривожлантириш ва кенгайтириш: Жамият, Ўзбекистондаги етакчи суғурта Жамиятларидан бири бўлиб, суғурта бозорининг ушбу сегментида фаол катнашмоқда ва 2025 йилда суғурта тушумларини ошириш орқали бозордаги ўз улушини кўпайтиришни режалаштирмоқда.

b) банк сектори, кредит муассасалари ва лизинг жамиятлари фаолиятида ва уларнинг мижозларига юқори сифатли суғурта ҳимоясини таъминлайдиган комплекс суғурта хизматларини тақдим этиш орқали суғурта муносабатларини ривожлантириш: Тижорат банклари фаолиятини изчил либераллаштириш натижаси ўлароқ улар томонидан таклиф қилинаётган кредит турлари кўпайиб бормоқда. Бу борада Кредит ташкилотлари ва лизинг жамиятларининг кенг тармоғи катта рол ўйнайди. Шу мақсадда Жамият улар билан яқин алоқаларни янада мустаҳкамлаш ва ўзаро ҳамкорликда ишлашни ривожлантириш, шу билан бирга, тижорат банклари билан ўзаро манфаатли ҳамкорликни янада ривожлантириш мақсадида қуйидаги чора тадбирларни амалга ошириш режалаштирилмоқда:

- тижорат банкларининг мобил иловаси орқали кредитларни онлайн расмийлаштириш жараёнини Жамиятнинг дастурий таъминотига боғлаш ёхуд реал вақт режимида айрим турдаги суғурта хизматларини расмийлаштириш учун **online-платформа** яратиш;

- АТИБ Ипотека банк, АТБ Асака банк, АТ Ўзсаноатқурилишбанк, АЖ Ўзмилийбанк, АТБ Алоқабанк ҳамда бошқа шу каби йирик банклар билан риск даражасига қараб гаровга қўйилган мулклар ва кредит қайтмаслик хатаридан суғурта қилиш тури бўйича ҳамкорлик қилиш ва бошқалар.

Ушбу чора-тадбирларнинг амалга оширилиши натижасида 2024 йилда суғурта тушумлари улушини кескин оширишга эришиш кутилмоқда.

с) янги инновацион суғурта маҳсулотларини жорий этиш ва талаб юқори бўлган анъанавий маҳсулотларни ривожлантириш: Бу оркали кўрсатилаётган суғурта хизматлари хажмларини, турларини кенгайтириш ва сифатини ошириш. Ушбу йўналишда “Аҳолини мол-мулкини суғурталаш”, “Бахтсиз ҳодисалардан суғурталаш”, “Хонадонларини комплекс суғурталаш”, мамлакат аҳолисининг чет элда бўлиши даврида “Саёхатчиларни суғурта қилиш”, “Мигрант ишчиларни бахтсиз ҳодисалардан суғурталаш”, “Чет элга чиқувчиларни суғурталаш” маҳсулотларини сотиш ҳамда ушбу суғурта турларини **online** расмийлаштиришни йўлга қўйиш режалаштирилган.

д) такафул суғуртасини ривожлантириш: Мамлакатимизда ислом молияси тармоғи кундан кунга ривожланиб бормоқда, шу сабабдан Жамиятимиз ҳам шу ўзгаришлар билан ҳамоханг равишда такафул суғуртасини таклиф қилиш оркали ўз фаолиятини кенгайтиришга, ривожлантиришга ва мустаҳкамлашга ҳаракат қилади. Жумладан, ушбу йўналишда 2024 йилда Низом ва қоидалар ишлаб чиқилиб дастлабки қадамлар ташланган.

Суғурта фаолиятининг юқоридаги устувор йўналишларидан келиб чиққан ҳолда, **2025 йилда суғурта мукофотлари йиғимини 115,0 млрд сўмгача таъминлаш режа қилинган.**

#### Суғурта мукофотларининг тушуми прогнози:

| № | Суғурта турлари          | 2025 йил учун режа<br>(млрд.) | Улуши<br>(%) |
|---|--------------------------|-------------------------------|--------------|
| 1 | Ихтиёрий суғурта турлари | 95,0                          | 83 %         |
| 2 | Мажбурий суғурта турлари | 10,0                          | 8,5 %        |
| 3 | Қайта суғурталаш         | 10,0                          | 8,5 %        |
|   | <b>Жами</b>              | <b>115,0</b>                  | <b>100 %</b> |

#### 2.3. Молиявий ва инвестицион фаолият.

2025 йил якуни бўйича Жамият қуйидаги молиявий кўрсаткичларга эришишни мақсад қилиб белгилаган:

- активларни **165 млрд. сўмгача** етказиш;
- ажратилган инвестиция маблағларини **100 млрд. сўмгача** етказиш
- инвестиция даромадларини **19 млрд. сўмгача** бўлган микдорда таъминлаш;
- соф фойдани **5,0 млрд. сўмга** етказиш.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Суғурта хизматлари бозорини янада ривожлантиришнинг комплекс чора-тадбирлари тўғрисида”ги 2024 йил 1 мартдаги 108-сонли Қарори билан Суғурталовчиларнинг табақалаштирилган устав капиталининг энг кам микдори:

| Р  | Суғурта фаолияти турлари                       | 1 октябрдан |          |          |
|----|------------------------------------------------|-------------|----------|----------|
|    |                                                | 2025 йил    | 2027 йил | 2029 йил |
| 1. | Умумий суғурта соҳасида ихтиёрий суғурта       | 35 000      | 45 000   | 60 000   |
| 2. | Умумий суғурта соҳасида мажбурий суғурта       | 50 000      | 75 000   | 100 000  |
| 3. | Ҳаётни суғурта қилиш соҳасида ихтиёрий суғурта | 25 000      | 30 000   | 35 000   |
| 4. | Ҳаётни суғурта қилиш соҳасида мажбурий суғурта | 40 000      | 45 000   | 50 000   |
| 5. | Факат қайта суғурта                            | 80 000      | 100 000  | 120 000  |

Ушбу Ўзбекистон Республикаси Президентининг қарорини инобатга олиб, **2025 йил 1 октябрга қадар Жамият устав жамғармасини 80,0 млрд. сўмдан** ошириш режалаштирилган (*ҳозирги кунда 57,8 млрд. сўмда шакллантирилган*).

2025 йил учун мўлжалланган даромад ва харажатлар режасининг батафсил тавсифи иловада «INFINITY INSURANCE» АЖнинг 2025 йил учун молиявий режасида келтирилган.

#### **2.4. Тариф сиёсати ва хавфларни тақсимлаш стратегияси.**

Тариф сиёсатининг асосий мақсади - Жамият учун узлуксиз суғурта операцияларини амалга оширишда умумий рўйхатдан ўзининг суғурта хизматларини ажратиб кўрсатиб туришига ҳамда суғурталанувчининг эътиборини жалб қилиниши таъминлашдир.

Суғурталаш ставкаларини аниқлаш суғуртанинг ҳар бир тури учун базавий тарифлар миқдорига ва қопланадиган хатарлар даражасига, шунингдек бошқа суғурта Жамиятларининг рақобатбардошлигини таҳлил қилишни ҳисобга олган ҳолда амалга оширилади. Суғурта мукофотлари ставкалари қопланадиган хатарларнинг тури ва ҳажмига, суғурта муддатига, лойиҳанинг республика иктисодиёти учун аҳамиятига, қайта суғурта қилиш имкониятига ва бошқаларга қараб фарқ қилиши мумкин.

Жамият олиб борадиган хавфларни тақсимлаш стратегияси суғурта операцияларининг молиявий барқарорлигини таъминлаш ва сақлашга қаратилган. Шу мақсадда, 2025 йилда Жамият структурасида Суғурта рискларини баҳолаш ва уларни назорат қилиш бўйича штат бирлиги ташкил этилиб, унга малакали мутахассисларни жалб этиш кўзда тутилган.

Хавфларни тақсимлаш стратегияси қуйидагиларни ўз ичига олади:

- жамиятнинг маржасини (*даромадини*) ҳисобга олган ҳолда қабул қилинган хатарлар бўйича жавобгарликнинг тақсимланиши таъминлаш (*қайта суғурта қилиш*).
- қайта суғурталаш компаниялари ўртасида келишилган шартлар асосида қабул қилинган суғурта қалтисликлари учун жавобгарликни Ўзбекистон Республикаси Истиқболли лойиҳалар миллий агентлиги томонидан белгиланган меъёрларга асосан тақсимланиши;
- манфаатдор маҳаллий суғурта ташкилотлари билан йирик лойиҳаларни биргаликда суғурта қилиш;
- миллий ва хорижий қайта суғурта ва брокерлик ташкилотлари билан қайта суғурталаш соҳасида ҳамкорлик қилиш, қўшма суғурта фаолиятига янги шерикларни жалб қилиш тўғрисида шартномалар тузиш.

Шу билан бирга, суғурта бозорининг сўнгги йиллардаги фаолияти натижалари шунини кўрсатдики, заиф иштирокчилар бозорда суғурта хизматларига нархларни *демпинг* қилиб қўйишга ҳаракат қилмоқдалар. Мижоз учун курашда бир қатор суғурталовчилар тарифларни барча оқилона чегаралардан пастга туширишга тайёр, бироқ бу табиийки суғурталовчиларнинг тўлов қобилиятига ўз таъсирини кўрсатади яъни, арзон нарх тўғридан-тўғри суғурта хизматлари сифатини пасайтиришга олиб келади. Арзон тарифларни амалга оширишда мижоз ҳақиқатда суғурта тўловисиз қолиши мумкин, чунки суғурталовчи шартнома шартларига мувофиқ қонуний равишда тўлашни рад этиши мумкин ёки суғурталовчида суғурта қопламасини тўлаш учун етарли маблағ бўлмаслиги мумкин. Бошқа томондан, тижорат банклари суғурта шартномаси тарафи ҳам бўлиб, фойда оловчи бўлиб ишлайдилар ва мижоз сингари, ушбу мулкка зарар етказилган тақдирда, суғурта товонини ёки гаровга қўйилган мол-мулкни олиш имкониятидан маҳрум бўлиши мумкин.

Юқоридаги ҳолатлардан келиб чиқиб, Жамият бугунги кундаги суғурта бозорида барқарор ривожланиши ва рақобатбардош бўлиши учун, албатта бунда Жамият ўз мижозлари мулккий манфаатларини, ҳамкорликда ишлаётган тижорат банклари манфаатларини ҳамда Ягона иштирокчисининг, шунингдек ўз манфаатларини ҳимоя қилган ҳолда, тижорат банклари билан ҳамкорликда ишлашни давом эттириш ва кенгайтириш ниятида гаров эвазига берилган мол-мулкнинг суғурта қопламасини тўлаш шартларини стандартлаштиради, шунингдек барча манфаатларга жавоб берадиган минимал талабларни белгилаш йўлини тутди.

#### **2.5. Маркетинг сиёсати ва бизнесни ривожлантириш стратегияси.**

Жамиятнинг ички ва ташқи бозорларга чиқишига маркетинг стратегиясини ишлаб чиқиш орқали эришиш кутилмоқда. Яъни, Жамият маркетинг стратегияси қуйидаги вазифаларни бажаришга асосланган:

а) суғурта хизматларига талабнинг шаклланиши бу талаб даражасининг кўтарилиши ва уни етказиб бериш даражасига яқинлаштириш мақсадида потенциал суғурталовчиларга таъсирини англатади. Ушбу функция мақсадли реклама орқали таъсир қилиш, суғурта хизматларига тарифларни табақалаштириш, суғурта шартномаларини тузиш бўйича бир қатор тадбирларни ўз ичига олади.

б) суғурта хизматларининг юқори даражаси орқали миқознинг суғурта манфаатларини қондириш, ушбу функция суғурта полисларини, шу жумладан интернет орқали сотишни ташкил этишни яхшилаш, миқозларга хизмат кўрсатишни яхшилаш, Жамият имиджи ва брендини янада тарғиб қилиш ва мустақамлаш мақсадида реклама қилиш учун маблағлар ажратишни ўз ичига олади.

с) жамиятнинг бизнес-жараёнларини ўрганиш, таҳлил қилиш ва оптималлаштириш, шунингдек миқозлар билан ишлаш самарадорлигини ошириш, суғурта бозорининг потенциал талаб ва имкониятларини ўрганиш, республика аҳолисининг демографик таркиби ва ўртача даромадлари, шунингдек, Ўзбекистонда кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектлари томонидан ишлаб чиқарилган товарлар ва хизматлар улуши ўсиши тўғрисидаги маълумотларга асосланади.

Белгиланган мақсадга эришиш учун Жамият рекламани маълум истеъмолчилар гуруҳларига (*жисмоний шахслар, кичик ва ўрта бизнес, кредит ташкилотлари, йирик саноат бирлашмалари, хорижий корхоналар, бюджет ташкилотлари ва бошқалар*) йўналтиришни кўпайтирган ҳолда реклама ва ахборот ишларини янада такомиллаштириш зарур.

Шу муносабат билан қуйидаги асосий йўналишларда реклама ишларини олиб бориш режалаштирилган:

а) тасвир йўналиши (*жамият имиджини шакллантириш ва аҳоли ўртасида суғурта хизматларидан хабардорликни ошириш билан бир қаторда жамият брендини янада кўпроқ танитиш*):

- жамиятнинг интернетдаги веб сайтини такомиллаштириш ва ушбу сайт орқали Жамият тўғрисидаги барча маълумотларни жумладан, Жамият тарихи, эришилган натижалар, мавжуд суғурта турлари ва класслари, тузилган шартномалар сони, суғурта мукофотлари, суғурта мажбуриятлари, тўланган суғурта қопламалари, рейтинг кўрсаткичлари тўғрисида аниқ ва тўлиқ маълумотлар бериб бориш;

- ташки реклама расмларини жойлаштириш, офислар ташки кўринишини миқозлар эътиборини жалб қилувчи реклама банерлар билан жиҳозлаш;

- ижтимоий тармоқларда (*facebook, telegram, instagram ва ҳоказолар*) реклама ишларини ривожлантириш, акциялар ташкиллаштириш, суғурта маҳсулотларини реклама қилиш ва бошқалар.

б) корпоратив йўналиш (*жисмоний ҳамда юридик миқозларни жалб қилиш*):

- мақсадли босма рекламани (*буклет*) тарқатиш;

- жамият интернет веб сайти орқали фойдаланувчиларни жамият билан ўзаро боғланишини ҳамда уларни мавжуд суғурта турлари, суғурта шартномаларини тузиш тартиблари, суғурта ҳодисаси содир бўлганда суғурта қопламалари бўйича аризалар бериш ва тўлов тартиблари каби маълумотлар билан таъминлаш, **Call centre** ни ташкил этиш;

- жамият инвестиция маблағларини йўналтириш орқали молиявий институтлар ва эмитент ташкилотлар билан ўзаро ҳамкорликни кенгайтириш ҳамда янги миқозларни жалб қилиш;

- миқозларнинг маълум гуруҳига йўналтирилган тақдимотларни ёки мақсадли акцияларни ташкил қилиш, шунингдек улар билан ҳамкорликда семинар ва конференцияларни ташкиллаштириш ёхуд жамият логотипи туширилган эсдалик совғалари билан рағбатлантириш;

с) чакана бизнес (*суғурта тизимида IT ролини ошириш*):

- суғуртанинг айрим турлари бўйича электрон полисларни (*«Е-полис»*) жамиятнинг интернетдаги веб сайти орқали, мобил иловалар орқали расмийлаштириш механизмини ривожлантириш.

2025 йилда мазкур маркетинг фаолиятини амалга ошириш учун ажратилган умумий маблағлар **5 500,0 млн. сўм** миқдорида режалаштирилган.

## **2.6. Минтақавий суғурта марказлари ва агентлик тармоғини ривожлантириш.**

Кўрсатилган хизматларни мавжуд ва потенциал миқдорларга яқинлаштириш учун юқорида кўрсатилган Жамиятнинг мақсадларини ва бозорни қамраб олиш даражасини кенгайтиришни ҳисобга олган ҳолда, ҳудудий тармокни қуйидагилар бўйича ривожлантириш зарур:

- республиканинг энг иштиқболли минтақаларида суғурта марказларини очиш;
- турли тўлов ёки мобил иловалар ёхуд тижорат банклари ёки ташкилотлар дастурий базасига интеграциялаш орқали суғурта маҳсулотларини сотишни ташкиллаштириш;
- потенциал суғурталовчилар гавжум бўлган жойларда суғурта хизматлари учун савдо нуқталари тармоғини ташкил қилиш.

Миллий суғурта бозори ривожланишининг ҳозирги босқичида суғурта хизматларини сотувининг асосий тармоқларидан бўлиб, электрон тижоратни ривожлантириш билан бирга суғурта агентларининг сонини ошириш ҳисобланади.

Агентлар билан ишлашни ташкил этиш тизимини янада такомиллаштириш қуйидаги асосий йўналишларда чора-тадбирларни амалга ошириш билан боғлиқ:

- яқка тартибдаги тадбиркор сифатида ишлашнинг иқтисодий мақсадга мувофиқлиги масаласида катта даромад келтирадиган агентлар ўртасида тушунтириш ишларини олиб бориш, шунингдек агентларни ишга бўлган салоҳиятини рағбатлантириш мақсадида улар ўртасида совринли акция тадбирларини жорий этиш;
- моддий компенсациянинг янада қулай шартлари туфайли жалб қилинган агентлар - жисмоний шахсларни иқтисодий рағбатлантириш;
- суғурта бозорида фаолият юритаётган суғурта жамиятларининг муваффақиятли агентларини жалб қилиш учун янада жозибадор иш шaroитларини таъминлаш;
- ҳудудларда хизмат кўрсатишга ихтисослашган филиаллар тармоғи ривожланган корхона ташкилотлар билан агентлик битимлари имзолаш орқали ҳамкорликда ишлашни йўлга қўйиш;

## **2.7. Ахборот-коммуникация технологияларини (IT) ривожлантириш.**

Замонавий ахборот технологияларидан кенг фойдаланиш ва жамият фаолиятининг самарадорлигини ошириш учун IT - технологияларини қуйидаги соҳаларда янада ривожлантириш зарур:

- ҳисобот шакллари электрон шаклга ўтказиш, жамият online базасига маълумотларни автоматик киритиш учун турли ташкилотларнинг online базаларига боғланиш орқали иш унумдорлигини ва самарадорлигини шакллантириш;
- замонавий IT технологияларидан фойдаланган ҳолда жамият веб-сайтнинг техник даражасини, ахборот таркибини яхшилаш ва жамиятнинг веб-сайтига трафикни кўпайтириш;
- сайтга ташриф буюрувчилар томонидан маълумотларни тез ва қулай равишда топиш учун қидирув тизимларига веб-сайтни оптималлаштириш ва унинг навигациясини яхшилаш;
- интернет орқали суғурта полисларини сотиш ҳажмини ошириш;
- мақсадли сайтларга жамият ва унинг хизматлари тўғрисида маълумотларни реклама характеридаги нашрларни жойлаштириш орқали реклама қилиш;
- суғуртани автоматлаштириш, инвестиция фаолияти, суғурта даъволарини кўриб чиқиш жараёни, бухгалтерия ҳисобининг IC дастурини оптималлаштириш ҳамда ходимларни бошқариш, ҳужжат айланиши, режалар ва кўрсатмаларнинг бажарилишини назорат қилиш учун суғурта соҳасида кенг қамровли интеграциялашган ахборот тизимини жорий этиш (*online база ва R-banking ҳамда IC дастури*);
- жамият фаолиятини ҳар томонлама молиявий таҳлил қилиш ва бошқарувнинг самарали қарорларини қабул қилиш учун янги модулларни ишлаб чиқиш;
- жамиятнинг ахборот хавфсизлигини таъминлаш бўйича чораларни кўриш ва ходимларни ахборот-коммуникация технологиялари бўйича малакасини ошириш.

2025 йилда Жамият томонидан Ахборот-коммуникация технологияларини (IT) ривожлантириш учун ажратилган умумий маблағлар **5 500,0 млн. сўм** миқдорида режалаштирилган.

## **2.8. Жамият моддий-техник базасини янада такомиллаштириш.**

Ушбу йўналишдаги ишнинг мақсади хизмат кўрсатиш сифатини яхшилаш, Жамиятда ходимларнинг меҳнат шароитини яхшилаш орқали уларнинг масъулиятини ошириш ҳамда иш унумдорлиги ва самарадорлигини пасайтирувчи омилларни бартараф этишга хизмат қилишдир. Ушбу вазифаларни амалга ошириш қуйидагилар билан боғлиқ:

- фаолияти бўйича юқори кўрсаткичларга эришган филиалларни рағбатлантириш ҳамда қулай меҳнат шароитини яратиш мақсадида **10 дона автотранспорт** воситаларини сотиб олиш;

- ҳудудларнинг моддий техника базасини мустаҳкамлаш мақсадида маънан эскирган компьютерлар ва оргтехника ўрнига янги замонавийларини сотиб олиш.

2025 йилда мазкур вазифани амалга ошириш учун ажратилган умумий маблағлар **4,0 млрд. сўм** миқдорида режалаштирилган.

## **2.9. Кадрлар сиёсати, кадрларни тайёрлаш ва қайта тайёрлаш.**

Жамият кадрлар сиёсатига, жумладан ходимларни тайёрлаш ва қайта тайёрлашга алоҳида эътибор беради. Ушбу йўналишдаги асосий вазифа - яъни мутахассисларнинг миқдорларга сифатли хизмат кўрсатиши, ҳамкорлик масалалари бўйича музокаларда муомала маданияти ва активлиги билан Жамиятнинг иш самарадорлигини кўтаришга, рақобатбардошлигига хизмат қилишдир.

Шу мақсадда доимий равишда суғурта соҳасидаги малакали мутахассисларни жалб қилган ҳолда семинарлар, тренинглар ва махсус курслар ўтказиб бориш режалаштирилган.

Бунинг учун кадрлар сиёсати йўналишида қуйидагиларни амалга ошириш мақсадга мувофиқдир:

- жамиятнинг ташкилий тузилмасини такомиллаштириш ва ислоҳ қилиш;
- салоҳиятли тайёр суғурта мутахассисларини жалб қилиш;
- моддий ва ижтимоий рағбатлантириш усуллари уйғунлаштирган ҳолда ишчиларни рағбатлантириш тизимини доимий равишда такомиллаштириб бориш;
- ходимларни, шунингдек суғурта агентлари учун суғуртанинг турли соҳаларида тажрибани ўргатишга йўналтирилган ўқув машғулотларини ташкил этиш;
- ходимлар ротацияси, яъни, жамият ичидаги горизонтал ва вертикал йўналишдаги ишчилар ҳаракатини амалга ошириш, шунингдек ходимлар захирасини шакллантириш;
- олийгоҳларнинг энг иқтидорли битирувчиларини жамиятга ишга таклиф этиш дастурини жорий этиш.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг **“Суғурта хизматлари бозорини янада ривожлантиришнинг комплекс чора-тадбирлари тўғрисида”ги 2024 йил 1 мартдаги 108-сонли Қарорининг 1-илоvasи “Ўзбекистон Республикаси суғурта хизматлари бозорини янада ривожлантириш бўйича йўл харитаси”да** суғурта бозорида мутахассислар тайёрлаш тизимини такомиллаштириш, халқаро ҳамкорликни ривожлантириш, аҳоли ва тадбиркорларнинг суғурта маданиятини ошириш бўйича чора-тадбирлар белгилаб ўтилган.

Шу мақсадда, кадрларни тайёрлаш ва қайта тайёрлашда қуйидаги ишларни амалга ошириш режалаштирилган:

- қайта суғурталаш йўналишида ходимларни малакасини ошириш шунингдек тажриба алмашиш мақсадида хорижий конференция ва семинарларга юбориш;

- барча тузилмавий бўлинмаларга суғурта фирибгарлиги ва бошқа қонунбузарлик ҳолатлари тўғрисида ўз вақтида хабар бериш ҳамда ушбу мавзуларда ўқув семинарлар ташкиллаштириш;

- янги қабул қилинган ходимларни мослаштириш даврини қисқартириш ҳамда айрим ходимларни ишдан бўшаши натижасида мумкин бўлган йўқотишларни олдини олиш.

## 2.10. Ходимларни ижтимоий ҳимоялаш.

Ижтимоий ҳимоя ходимларнинг фаровонлигини ошириш ва кадрлар салоҳиятини сақлашда муҳим рағбат ҳисобланади. Жамият юқорида келтирилган мақсадларига эришишида ходимларнинг роли муҳим ўрин тутadi ва шуни инобатга олиб, ходимларни ижтимоий ҳимоя қилиш ва рағбатлантиришга алоҳида эътибор беради.

Ушбу йўналишда, Жамият ходимлар билан Жамоа шартномаси тузилган ва у бўйича шартларни бажаради, жумладан жамият ходимларини ижтимоий қўллаб-қувватлашга қаратилган тадбирларни ташкил этиш ҳамда ўтказиш учун тўловлар ажратади. Хусусан, ходимларни рағбатлантириш учун жамиятнинг молиявий ҳолатини ҳисобга олган ҳолда ҳар хил рағбатлантириш турларини ўтказиш таклиф этилади.

Жамият ходимларини рағбатлантириш турлари:

*а) ходимларни рағбатлантиришнинг номоддий турлари:*

- раҳбариятнинг ходимга бўлган муносабати - ижтимоий масалаларни ҳал қилиш, тегишли иш шароитларини яратиш ҳамда транспорт воситалари билан таъминлаш;

- жамоадаги муносабатлар – эътибор, туғилган кун ёки бошқа муҳим сабаблар муносабати билан жамоавий табриклаш орқали ходим ўз жамияти учун муҳимлигини ҳис қилади;

- малака ошириш имконияти - жамият шартнома асосида ходимларни мамлакат ичкарасида ва чет элларда узоқ муддатли ёки қисқа муддатли курсларга ўқишга юбориб, уларнинг малакасини ошириб боради.

*б) ходимларни рағбатлантиришнинг моддий турлари:*

- муҳим вазифалар ва режа кўрсаткичларини бажарганлик учун мукофотлар;

- жамият маблағларини тежаш, катта фойда келтирган ташаббус (*инновацион гоа*) учун мукофотлар;

- режа кўрсаткичини бажариш ёхуд ҳисса қўшганлик учун мукофотлар;

- қонунда ва жамиятнинг ички ҳужжатларида назарда тутилган молиявий ёрдамлар;

- моддий рағбатлантиришнинг бошқа турлари (*турли тадбирлар, маданий ҳордиқлар, чет эл саёҳатлари, қимматбаҳо совғалар ва ҳакозолар*).

## III. ЯКУНИЙ ҚОИДАЛАР

Жамиятнинг ривожланиши мазкур режалаштирилган параметрлар орқали амалга оширилади. Иқтисодий вазиятда қутилмаган ўзгаришлар юз берганда, салбий ўзгаришлардан зарарни камайтиришга ёки ижобий ўзгаришлардан максимал даражада фойдаланишга Жамият томонидан ҳаракат чоралари қўрилади.

Мазкур Бизнес-режа 2025 йил учун амал қилади ва Бизнес-режанинг ижроси бўйича ҳар чорак якуни бўйича ҳисобот натижаларини таҳлил қилиш жараёнида ўзгартиришлар киритилиши мумкин.

Жамият томонидан олинган натижанинг тахмин қилинган параметрларга мувофиқлиги эҳтимоли - Жамиятнинг устав капиталининг кўпайишига ҳамда турли ташкилотлар билан ҳамкорликда таъминланadиган суғурта тушумларининг салмоғига шунингдек, мажбурий суғурта турларини ривожлантириш бўйича давлат томонидан қабул қилинадиган қарорларга, мамлакатимиз иқтисодиётининг ривожланишига ҳамда суғурта бозорининг шарт-шароитларига ва бошқа объектив ҳолатларга боғлиқ бўлади.

Бош директор



С. Шарипов